

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Касбий таълим» кафедраси

**5111011- Касб таълими (Дизайн) йўналишида таҳсил олаётган
бакалаврлар учун**

**«ДИЗАЙНДА АМАЛИЙ ДАСТУРЛАР»
фанидан**

Тажриба машғулотларини бажариш бўйича

УСЛУБИЙ КУРСАТМА

БУХОРО – 2018

Тузувчилар:

С.У.Пулатова

«ЕСТ ва Ж» кафедраси доценти, т.ф.н.

Н.С.Муродова

“Касбий таълим” кафедраси ассистенти

Такризчилар:

Н.Т. Гафурова

«ЕСТЖ» кафедраси доценти, т.ф.н.

Н.И.Ҳикматов

Бухоро “Нилуфар-95” МЧЖ директори

Амалий ишларни бажариш бўйича услубий кўрсатма “Кимёвий озикловқат технологиялари”факультетининг “Касбий таълим”кафедраси мажлисида 201__ йил “__” _____ - сон баённома муҳокама этилди ва факультетнинг ўқув-услубий кенгашига тавсия этилди.

Амалий ишларни бажариш бўйича услубий кўрсатма БухМТИ нинг Илмий-услубий кенгашида кўриб чиқилди ва тасдиқланди 201__ йил “__” _____ -сон баённома

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 1

МАЗМУНИ: Web технологияларини қўллаш

Ишнинг мақсади: Web технологияларини қўллашни ўрганиш ва билмларни амалда мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Интернет ҳақида маълумот.
2. Интернетнинг асосий хизматлари.
3. Компютерларнинг тармоққа улаш усуллари.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Интернет – бу стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи “Тармоқлар аро” деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларини бирлаштирувчи тармоқ бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган вертуал тўпладан ташкил топган.

Интернет тармоққа кирувчи барча компьютерларнинг ўзаро маълумотлар алмашилиши имкониятини яратиб беради. Интернетнинг ҳар бир мижози ўзининг компютери орқали бошқа шахар ёки мамлакатга ахборот узатиш ёки у ердан ахборот олиши мумкин.

Интернетнинг асосий хизматлари:

1. WWW (World wide Web) – ёки бутун жаҳон электрон тармоғи – Интернетнинг гипертекст маълумот қидирув тизими
2. E-mail – электрон почта
3. Tellnet – сервер ва мижоз ўртасидаги алоқани бошқариш протокол ва дастурлари
4. FTP – файлларни узатиш протокол ва дастурлари

Интернетга боғланиш – ва ундан фойдаланишнинг асосий техник воситасини шахсий компьютерлар ташкил қилади. Микрофон, видеокамера, овоз кучайтиргич ва бошқа қўшимча қурилмалар уланиши мумкин. Интернет хизмати – Интернет провайдерлари ёрдамида алоқа каналлари орқали амалга оширилади. Алоқа каналлари сифатида телефон тармоғи, кабелли каналлар, радио ва космос алоқа тизимларидан фойдаланиш мумкин.

1960-1970 йилларга келиб, марказлаштирилган ишчи компьютерлар мажмуасини яратиш ғоялари илгари сурилади. 1970-йилнинг бошларига келиб, марказлаштирилган ишчи компьютерлар ўзаро боғланиши ва илк ахборотлар узатилади. Шу сабаб фандан компьютерлар мажмуасини банк соҳасига қўллаш мақсадида бир нечта ЕНМ лар тармоқлари тушунчаси кириб келди.

Компютер тармоғи деб икки ва ундан ортиқ компьютерларнинг ўзаро ахборот алмашилиши имконига айтилади. Компютер тармоқларининг ривожланишининг асосий сабабларидан электрон ресурслардан ҳамкорликда фойдаланишдир. Компютер тармоқлари орқали фойдаланувчилар бир вақтнинг ўзида амалий дастурлар, маълумотлар базаси, турли хил файллар билан ишлашлари мумкин. Бундан ташқари, зарурий ахборотни узатиш ва қабул қилиш осон ва тез амалга ошади. Жуда катта ва оммабоп бўлган маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Компютерларнинг тармоққа улаш усуллари тармоқ топологияси деб юритилади. Одатда учта топология қўлланилади:

1. Умумий шина. Бу уланишда тармоқдаги барча компьютерлар битта алоқа чизиғига боғланади. Бундай шиналарни бошқариш ҳам алоҳида, ҳам марказлашган бўлиши мумкин.
2. Ҳалқасимон. Бу ҳолатда барча компьютерлар ёпик ҳалқасимон, кема-кет боғланади. Бунда хабар бирин-кетин компьютердан-компьютерга узатилади.
3. Юлдузсимон. Юлдузсимон топологияга эга тармоқлар марказий тугунга эга (комутатор ёки концентратор). Мазкур марказий тугунга барча қолган компьютерлар уланади.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нёъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 2

МАВЗУ: Интернетда маълумотларни излаш

Ишнинг мақсади: Интернетда маълумотларни излашни ўрганиш ва амалда билмларни мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Интернетда маълумот излаш тартиби.
2. Интернетда маълумот излаш усуллари.
3. Қидирув тизимлари.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.


УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Интернетни ишга тушириш учун ишчи столдан “Internet explorer” дастурининг



белгиси устида сичқончанинг чап тугмасини икки марта босасиз. Экранга бирон бир провайдер (rambler, yandex, msn ва ҳ.к) нинг асосий варағи чиқади .

Қуйида Rambler провайдерининг асосий варағи.



Расм. 1- Суров ёзиш ойнаси, 2 -Найти тугмаси

Интернетда ахборотни қидириш учун тузиладиган сўровлар рус ёки инглиз тилидаги бир ёки бир неча сўздан ташкил топиши мумкин. Ҳар бир асосий варақда қидириш тугмачаси (Найти) бўлади. Қидираётган маълумотингизнинг калит сўзларини шу тугмача олдидаги ойнага киритасиз ва шу тугмани босасиз. Қидиришни босқичма-босқич олиб бориш керак.

Масалан: “19 аср рус поэзияси” ҳақида маълумот олмоқчи бўлсангиз аввал:

1. Сўров ёзиш ойнасига «Поэзия» калит сўзи киритилади ва қидириш тугмаси (1расм 2 тугма) босилади.
1. Экранга шу сўзга тегишли маълумотлар чиқади.
2. «Рус» сўзи худди шу тарзда киритилади
3. Сўров ойнаси тагидаги «Искать в найденном» сўзи устида сичқончанинг чап тугмаси босиб қўйилади ва яна қидириш тугмаси босилади.
4. Энди мана шу маълумотлар ичидан 19 асрга тегишлисини топиш учун «19 аср» сўзларини ёзиб яна 3 қадамни такрорлайсиз.
5. Сўров ойнасига ўзингизни қизиқтирган мавзунинг калит сўзларини киритинг.
6. Экранга чиққан веб саҳифалар рўйхати билан танишинг.
7. Сизни қизиқтирган веб саҳифа устига сичқонча курсорини олиб боринг.
8. Курсор қўлча шаклини олганда сичқончанинг чап тугмасини бир марта босинг. Веб саҳифа мазмуни билан танишинг.
9. Асбоблар панелидаги «Назад» тугмасини босиб аввалги саҳифага ўтинг.
10. Рўйхатдаги бошқа веб саҳифаларни ҳам шу тариқа кўриб чиқинг.
11. Сизни қизиқтирган веб саҳифа матнини белгилаб (буни худди Word дастуридагидек бажариш мумкин 2 лаборатория иши 15 банд) сичқончанинг ўнг тугмасини бир марта босинг.
12. Очилган менюдан «Копировать» бандини танланг.

13. Word дастурини ишга туширинг, асбоблар панелидан «вставить» тугмасини босинг ва файлни хотирага сақланг (2 лаборатория иши 9-10 банд).

Маълумотларни аввалдан маълум URL манзиллардан излаш ҳам мумкин.

Интернетда қуйидаги қидирув системаларидан фойдаланиш мумкин:

<http://www.yahoo.com/>-энг оммабоп қидирув системаси;

<http://www.rambler.ru/>-Россиянинг энг катта қидирув системаси. 10500 дан ортиқ Россия серверларида қидирув олиб боради;

<http://www.yandex.ru/>-9000 дан ортиқ Россия серверларини қамраб олган;

<http://www.gov.uz/>-Ўзбекистон Республикаси ҳукумати саҳифаси. Расмий ахборот, Олий мажлис қарорлари ҳақида маълумот беради;

<http://www.uza.uz/>-Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги саҳифаси. Ундан турли мавзудаги маълумотлар ва ахборот агентликлари ҳақидаги маълумотларни, янгиликларни олиш мумкин;

<http://www.freenet.uz/>-Республика Интернет ресурслари ҳақидаги маълумотлар келтирилган;

<http://www.undp.org/>-Бирлашган Миллатлар ташкилоти саҳифаси;

<http://www.worldbank.org/>-Жаҳон банки саҳифаси;

<http://www.computerra.ru/>-Электронная версия журнала «Компьютерра»

<http://www.osp.ru/pcworld/>-электронная версия журнала «Мир ПК»

<http://www.inter.net.ru/>-Журнал «Интернет»

Бу қидирув тизимларининг хусусияти - улар рус тилидаги сўровларга қараб ахборотни рус тилидаги матн билан қидиради. Чет эл қидирув тизимларида ахборот ва сўровлар одатда инглиз тилида ифодаланади. Халқаро ахборот-қидирув тизимлари ичида энг машҳурлари Yahoo, Google, Alta Vista, Infoseek қидирув тизимларидир. Бу тизимлар ахборот ва сўровларни нафақат инглиз тилида ифодалаш имконини беради, балки рус, испан, француз, немис ва дунёнинг бошқа тилларида ифодалаш имконини беради: Yahoo. com- Yahoo қидирув тизими, Google.com - Google қидирув тизими, Altavista.com -Alta Vista қидирув тизими, Infoseek.com -Infoseek қидирув тизими.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нёзматов А., Эшдавлетов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 3

МАВЗУ: Электрон почта очиш

Ишнинг мақсади: Электрон почта очишни ўрганиш ва амалда билмларни мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Электрон почта очиш усуллари.
2. Rambler провайдерда электрон почта очиш кетма-кетлиги
3. Электрон почтадан хабар юбориш.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Электрон почта очиш учун ихтиёрий провайдер (rambler, yandex, msn ва ҳ.к) дан фойдаланишингиз мумкин.

Мисол учун Rambler провайдерда почта очишни кўриб чиқамиз. Асосий варақда “Почта” ойначасини топиб ундаги “Получить адрес” (Адрес олиш) сўзи устида сичқончанинг чап тугмасини босасиз.

Экранга «Регистрация нового пользователя» мулоқот оинаси чиқади. Бу ойнадаги

Ваше имя на Рамблере (логин): * бўлимини тўлдиришда логин ҳарф ва рақамларидан фойдаланишингиз мумкин, уларнинг сони 20 тадан ошмаслиги керак.

Настоящее имя: * - бўлимида ўзингизнинг исмингиз

Фамилия: * - бўлимида фамилиян-гизни киритасиз ва

Продолжить тугмасини босасиз.

Компьютер сиз терган номни бутун жаҳондаги номлар оилан солиштиради. Агар сиз терган ном қайтарилаётган бўлса шу варақ яна экранга чиқади. Агар қайтарилмаса, экранга қуйидаги анкета чиқади.

➤ Регистрация пользователя 123432179 на Рамблер

Символом * отмечены обязательные поля. Введенные данные будут использов:

Пароль: *

Повторите пароль: *

➤ Если Вы забудете пароль

Вопрос: *

Ваш ответ: *

Контактный email:

если есть

➤ Рамблер и ICQ

Номер ICQ: *

☒ получить новый номер

Ник:

Опубликовать имя, фамилию, пол и день рождения в каталоге ICQ ☐

☐ у меня уже есть номер ICQ

➤ Дополнительная информация

День рождения:

Ваш пол: ☐ мужской ☐ женский

Новости от Рамблера: ☒ получать

Контрольное число:



Регистрируясь, Вы соглашаетесь с у
опубликованными по адресу <http://id.rambler.ru>

Зарегистрировать имя

Бу ойнада ҳам барча * белгили саволларга жавоб беришингиз шарт. Парол бта символдан кам бўлмаслиги керак. Парол тераётганингизда экранда нукталар кўринади, чунки парол бошқалардан сир тутилиши керак. Шунинг учун парол бирор бир эсда қоладиган номер ёки сўз бўлиши керак. Мисол учун: телефон номери ёки машинагаиз номери, ёки тугилган кунингиз санасини ҳам киритишингиз мумкин. **“Повторите пароль”** қаторига ўша паролни қайтарасиз. Худди шу тарзда бошқа саволларга жавоб бериб **“Зарегистрировать имя”** тугмачасини босасиз. Компьютер сиз терган паролни бутун жаҳондаги пароллар билан солиштиради. Агар сиз терган парол қайтарилаётган бўлса шу варақ яна экранга чиқади. Сиз ундаги паролни ўзгартириб **“Зарегистрировать имя”** тугмасини босасиз. Парол бошқа пароллар билан мос тушмагандагина сизнинг адресингиз қабул қилинади. Почта манзилингизни ёзиб олинг ва дастур ойнасини ёпинг.

1. Почта орқали хат жўнатиш учун яна **rambler** провайдерини ишга туширинг.
2. Почта ойнасидаги «Имя» майдонига почта манзилингизни (логинни) киритинг.
3. Пароль майдонига паролни киритинг.

4. «Войти» тугмасини босинг.
5. Очилган ойнада «Написать письмо» тугмасини босинг.
6. Хат ёзиш ойнасининг «Кому ойначасига» бирор дўстингиз электрон почтасини киритинг.
7. «Тема» ойначасига хат мазмунини қисқача киритинг (бу ойнани албатта тўлдириш керак).
8. Хатнинг тўлиқ матнини пастки ойнага киритиб, ойна қуйидаги «Отправить» тугмасини босинг.
9. Агар «Кому» ойначасига киритган манзилингиз тўғри ёзилган бўлса «Ваше письмо отправлено» хабари чиқади.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 4

МАВЗУ: Электрон почта орқали иловали хатларни жўнатиш ва қабул қилиш.

Ишнинг мақсади: Электрон почта орқали иловали хатларни жўнатиш ва қабул қилишни ўрганиш ва билмларни амалда қўллаш.

Ишнинг мазмуни:


1. Электрон почта орқали иловалар жўнатиш.
2. Электрон почта орқали файллар жўнатиш.
3. Электрон почта орқали иловалар қабул қилиш.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.


УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Электрон почтангизни очинг.
2. Бирор дўстингизга хат ёзинг.
3. Хатга бирор файлни илова қилиш учун «Отправить» тугмасининг юқори ёки ён

томонида “Прикрепить файлы” тугмаси ёки  белгили тугмани босинг (расмга қаранг)




4. Экранга “Выбор файла” ойнаси чиқади. Ойнадан керакли файлни танлаб ойнанинг пастки қисмидаги “Открыть” тугмасини босинг. Илова шаклида юкланган файл куйидаги кўринишда бўлади.




5. Хатни жўнатиш учун “Отправить” тугмасини босинг.

6. Келган хатларни кўриш учун “Входящие” папкасини очинг.

Папка «Входящие», письма 1 – 1 из 1



7. Иловали хатларнинг ўнг томонида скрепка белгиси бўлади.
8. Сичқонча курсорини хатнинг номига олиб келиб чап тугмасини босинг. Хат очилади. Илова қилинган файл куйидаги кўринишда бўлади.



9. Иловани очиш учун унинг номи устида сичқонча тугмасини бир марта босинг. Экранга иловани очиш ёки сақлаб қўйишни сўралган мулоқот ойнаси чиқади.
10. Ойнадан “Сохранить” тугмасини босинг.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нёъматов А., Эшдавлетов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 5

МАВЗУ: Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари асосида бирор объект маълумотларни қайта ишлаш.

Ишнинг мақсади: Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари асосида бирор объект маълумотларни қайта ишлашни ўрганиш ва билмларни амалда қўллаш.

Ишнинг мазмуни: бирор объект маълумотларни қайта ишлашда маълумотлар базасини бошқариш тизимлари.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Амалий тизимлар ахборот таъминланишининг тез мўлжалланиши турли хил мураккабликдаги маълумотларнинг мураккаб ва содда базаларини яратиш-га турлича ёндошишни талаб қилади. Базанинг мураккаблигига ахборотларнинг ҳажмлари ва тузилиши, унинг турларининг хилма-хиллиги, файллар ўртасидаги алоқаларнинг кўплиги, унумдорлик ва ишончлиликлари талаблар билан белги-ланади. Яратишнинг эҳтимол бўлган вариантлари орасида ўртача мураккаб-ликдаги маълумотлар базасини яратишга энг кенг тарқалган ёндошишларни кўриб чиқамиз.

Базада маълумотларни ташкил қилиш олдиндан моделлаштириш, яъни маълумотларнинг мантиқий моделини куришни талаб қилади. Маълумотлар мантиқий

моделининг асосий белгиланиши — турли-туман ахборотларни тизимлаш ва унинг мазмуни, тузилиши, ҳажми, алоқалари динамикаси бўйича хусусиятларини фойдаланувчилар барча категорияларининг ахборотли эҳтиёж-ларини қаноатлантиришини ҳисобга олиш билан акс эттиришдир. Мантикий моделнинг қурилиши босқичлар бўйича аниқ шароитлар доирасидаги мувофиқ вариантга аста-секин яқинлашиши билан олиб борилади.

Маълумотлар базасини қуришнинг мантикий моделини яратиш босқичида аввал муаммо соҳанинг фойдаланувчи учун қизиқиш туғдирувчи объектлари, жараёнлари ёки моҳиятлари аниқланади. Масалан, корхоналар, пул қўювчилар, банклар ва ҳ.к. объектлар бўлиши мумкин. Ҳар бир объект учун унинг хусусиятларини таърифловчи мажмуаси ажратилади.

Масалан, пул қўювчи — жисмоний шахс учун бу, фамилия, исм, отасининг исми, манзилгоҳи, паспортининг маълумотлари, иш жойи, киритманинг тури, унинг миқдори ва ҳ.к. бўлиши мумкин. Ташкилот учун эса унинг номи, манзили, ҳисоб-китоб рақами, банкнинг номи ва бошқалар бўлади.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нёъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 6

МABЗУ: Маълумот базаларининг синфлари. Маълумот моделларининг турлари.

Ишнинг мақсади: Маълумот базаларининг синфлари. Маълумот моделларининг турларини ўрганиш ва билмларни амалда қўллаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Маълумот базаларининг синфлари.
2. Маълумот моделларининг турларин.
3. Маълумотлар базасининг ишини автоматлаштириш.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Маълумот базалари қандай ахборотларга эга бўлиши ҳақидаги қарорларни қабул қилиш нафақат муаммо соҳани ёки хизмат кўрсатиладиган вазифалар доираси, балки ахборотларнинг ҳар хил турлари билан ишлашнинг жадаллиги, уларнинг дина-мик таърифлари, тузатишлар киритилишининг тезлиги ва ўзаро алоқаларнинг даражаси, улар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқдир.

Амалда кўпчилик фойдаланувчилар маълумотларнинг бутун моделидан эмас, балки фақат унинг бир қисмидан манфаатдордир. Масалан, ҳисобчини банкка пул кўювчилар — жисмоний шахслар ҳақидаги маълумотлар қизиқтирмайди. Шу боис ҳам қатор ҳолларда маълумотларнинг бир қисмини фарқлаш имконияти таъминланиши керак. Моделни аниқ фойдаланувчи ёки фойдаланувчилар гуруҳининг манфаатлари даражасигача умумий моделни чегаралаш сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Маълумотлар базасининг ишини автоматлаштиришни МББТ таъминлайди, у манбада маълумотларни ташкил қилишнинг аниқ модели билан манипуляция қилади. Мантиқий моделни қуришда моделлаштиришнинг уч ёндошиши — иерархик, реляцион, тармоқлидан бири танлаб, олинади.

Маълумотлар базасини моделлаштириш босқичма-босқич бажарилади, бунда абстрактлашнинг бир қанча даражалари ажратилади, улардан ҳар бирига моделнинг ўз варианты мос келади. Абстрактлашнинг бир неча даражадарини ажратиш зарурияти маълумотлар базасидаги муаммо соҳани акс эттириши жараёнининг мураккаблиги билан белгиланади. Мантиқий моделни дастурий ва техник воситаларга боғланиши маълумотлар базасининг жисмоний модели деб аталади. У маълумотлар базасини яратиш жараёнларини якуний материал-лаштирилган ҳолда гавдаланишини беради.

Мантиқий моделнинг якуний людели танлаб олингандан кейин вази-фаларнинг белгиланган доираси ечиш учун керакли ва етарли бўлган кўрсаткичлар ҳамда реквизитларнинг бутун мажмуаси аниқланади, файллар шакллантирилади, уларда бошқа файллар билан ўзаро ҳамкорлик учун асосий майдон (реквизит) ажратилади. Кейин маълумотларнинг тури ва ҳар бир майдоннинг разрядлиги, файллардаги ёзувларнинг сони ва бошқа таърифлар белгиланади.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

6. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
7. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
8. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 7

МАНВЗУ: Маълумотлар базасида поғонасимон, тармоқли ва реляцион моделлар

Ишнинг мақсади: Маълумотлар базасида поғонасимон, тармоқли ва реляцион моделлар ишлаш принципи ўрганиш ва амалда билмларни мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Иерархик модел
2. Тармоқли модел
3. Реляцион модел

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Маълумотлар базасининг ишини автоматлаштиришни МББТ таъминлайди, у манбада маълумотларни ташкил қилишнинг аниқ модели билан манипуляция қилади. Мантиқий моделни қуришда моделлаштиришнинг уч ёндоғи — иерархик, реляцион, тармоқлидан бири танлаб, олинади.

Иерархик модел — дарахт кўринишидаги тузилишга эга ва пастки босқични юқори босқичга бўйсунитишнинг вертикал алоқасини акс эттиради. Бу, керакли ахборотларга киришни, фақат барча сўровлар дарахт кўринишидаги тузилишга эга бўлгандагина енгиллаштиради.

Тармоқли модел мураккаб бўлади ва иерархик моделдан горизонтал алоқаларнинг мавжудлиги билан фарқланади. Бу алоқанинг йўналишли бир белгили бўлмайди, бу эса модел ва МББТни мураккаблаштиради.

Реляцион модел — жадваллар йиғиндиси кўринишида берилади, улар устида реляцион алгебра атамаларида шаклландиган операциялар бажарилади. Моделнинг афзаллиги уни қўллаб-қувватлашнинг замонавий қуролланган воситаларининг нисбатан оддийлиги, ихчамлиги — маълумотлар тузилиши кескинлиги ва ишлашининг тезлиги маълумотлар базасининг миқдorigа боғлиқлигида. Ҳозирги вақтда реляцион моделлар кенг тарқалган. Уларда барча таркибий қисмлар ўзаро белгиланган муносабатлар билан боғланган. Моделнинг ҳар бир тури ўзининг афзалликлари ва

камчиликларига эга. Уни тузилишини тушунишнинг осонлиги реляцион моделнинг асосий афзалликларидан биридир.

Маълумотлар базасини моделлаштириш босқичма-босқич бажарилади, бунда абстрактлашнинг бир қанча даражалари ажратилади, улардан ҳар бирига моделнинг ўз варианты мос келади. Абстрактлашнинг бир неча даражадарини ажратиш зарурияти маълумотлар базасидаги муаммо соҳани акс эттириши жараёнининг мураккаблиги билан белгиланади. Мантикий моделни дастурий ва техник воситаларга боғланиши маълумотлар базасининг жисмоний модели деб аталади. У маълумотлар базасини яратиш жараёнларини яқуний материал-лаштирилган ҳолда гавдаланишини беради.

Мантикий моделнинг яқуний людели танлаб олингандан кейин вази-фаларнинг белгиланган доираси ечиш учун керакли ва етарли бўлган кўрсаткичлар ҳамда реквизитларнинг бутун мажмуаси аниқланади, файллар шакллантирилади, уларда бошқа файллар билан ўзаро ҳамкорлик учун асосий майдон (реквизит) ажратилади. Кейин маълумотларнинг тури ва ҳар бир майдоннинг разрядлиги, файллардаги ёзувларнинг сони ва бошқа таърифлар белгиланади.

Қуйидаги мисолни кўриб чиқамиз: банкда «муддатли депозит» киритмаси компьютерли ҳисобининг вазифаси тайёрланмоқда. Бу вазифа учун маълумотлар базасининг моделчаси яратилади. Бу маълумотлар ўз ичига киритувчи ҳақидаги ахборотларни, киритмалар бўйича маблағларнинг келиб тушиши ва кетишининг ҳисоби бўйича фоизларни ҳисоблаб қўйиш учун ахборотларни олади. Бу барча маълумотлар реляцион жадвалларга ва файлларга бўлиш учун қулайдир. Битта жадвалда кирувчи ҳақидаги маълумотлар: фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, паспорти серияси ва рақами, паспорти берилган вақт ва ким томонидан берилгани, доимий яшаш жойи манзили, киритма турининг номи, рақам тартиб сони, унинг очилиш санаси ва ундаги пул қолдиғи. Иккинчи жадвал киритмалар бўйича пул маблағларининг ҳаракати ҳақидаги маълумотларга эга. Масалан, счётининг номери, киритувчининг номи, киритма бўйича операция ўтказиладиган сана, пул миқдорининг бадали ёки унинг олинishi.

Ҳар бир реквизит учун маълумотнинг тури ва унинг узунлиги аниқланади. Яратилган базага маълумотларни ёки тузатишлар киритишда МББТ киритилаётган маълумотларнинг турини автоматик назорат қилиши керак (масалан, рақамли сифатида белгиланган майдонга ҳарфларни киритишга имкон бермасдан).

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.

2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 8

МАВЗУ: Маълумотлар базасини лойиҳалаш.

Ишнинг мақсади: Маълумотлар базасини лойиҳалашни ўрганиш ва билмларни амалда қўллаш.

Ишнинг мазмуни: Маълумотлар базасини лойиҳалашда қўлланиладиган методлар.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Маълумотлар базасида сақланаётган маълумотлар билан ишловчи самарали иловани ҳосил қилиш учун асосий эътибор маълумотлар базаси структурасини лойиҳалашга қаратилиши керак. Фақат яхши ташкил қилинган маълумотлар структураси:

Оддий ва фойдаланувчига тушунарли бўлган илова билан маълумот киритишни бажариш (амалга ошириш);

Керакли бўлган маълумотни маълумотлар базасидан тез топиш;

Маълумотлар базасини ортиқча ўсиб кетишга олиб келмайдиган кўринишда сақлаш;

Дастур таъминотини ишлаб чиқиш ва кўзатишни соддалаштириш имконини беради.

Реляцион маълумотлар базаси назарияси 70- йиллар бошида муносабатларнинг математик назарияси асосида Кодд томонидан ишлаб чиқилган. Реляцион маълумотлар базасида барча маълумотлар жадвал кўринишида сақланади, бунда барча амаллар жадваллар билан ишлашга келтирилади. Бу назарияда асосий тушунчалар жадвал, муносабат, мисра, устун, калитлардан иборат. Хар қандай маълумотлар базасининг асоси жадваллардир. Жадвал мисралар ва устунлардан ташкил топади ва маълумотлар базасида ноёб номга эга. Маълумотлар базаси, улар ораларидаги боғланиш мос келувчи устма-уст тушувчи) майдонлар ёрдамида ўрнатиладиган, саноксиз жадваллардан тузилган. Жадвалларнинг хар бирида қандайдир бирор бир тур (гуруҳ) объектлар тўғрисида маълумот бор.

Маълумотлар базасида жадваллар орасида муносабатлар ўрнатилади. Жадваллар орасидаги муносабатларнинг тўртта тури мавжуд: бир-бирга, бир-кўпга, кўп-бирга, кўп-кўпга.

Реляцион маълумотлар базасини лойиҳалаш масалаларига ўтишдан аввал мумкин бўлган муносабатлар турининг хар бирига батафсилроқ тўхтаймиз.

Бир-бирга муносабатнинг маъноси шуки битта жадвалнинг ҳар бир ёзуви бошқа жадвалдаги фақат битта ёзувига тўғри келади (мас келади). Мисол учун, агар иккита жадвални кўрадиган бўлсак, улардан бирида корхона ишчилари тўғрисида маълумотлар, иккинчисида эса-профессионал маълумотлар бўлса, у ҳолда бу жадваллар орасида бир-бирга муносабат мавжуд, чунки битта жадвалда маълумоти бўлган одам учун профессионал маълумотлари бўлган иккинчи жадвалда фақат битта ёзув бўлиши мумкин.

Ҳаммадан кўп учрайдиган маълумотлар базасидаги муносабатлар тури бу бир-кўпга муносабат. Берилган муносабатлар турини кўрсатиш учун, корхона мижозлари ва улар берган буюртмалар тўғрисида маълумотлар бўлган жадвалларга мурожаат қилишимиз мумкин. Бошқа мисоллар сифатида корхона ва унда ишлайдиган меҳнаткашлар орасидаги муносабатлар кўрилиши мумкин. Ҳудди шундай муносабатлар компьютер ва унга кирувчи компонентлар орасида мавжуд ва ҳ. к.

Кўп-бирга муносабат аввал кўрилган тур бир-кўпга муносабат билан ўхшаш. Объектлар орасидаги муносабатлар тури сизнинг нуқтаи назарингизга боғлиқ. Мисол, агар сиз қилинган буюртмалар ва мижозлар орасидаги муносабатларни кўрсангиз, у ҳолда кўп-бирга муносабат оласиз.

Иккита жадваллар орасида кўп-кўпга муносабат ҳосил бўлади, қачонки:

Биринчи жадвалдаги битта ёзув иккинчи жадвалдаги биттадан ортиқроқ ёзув билан боғланиши мумкин бўлса;

Иккинчи жадвалдаги битта ёзув биринчи жадвалдаги биттадан ортиқроқ ёзув билан боғланиши мумкин бўлса.

Мисол учун улгуржи савдо магазинига мурожаат қиламиз. Икки гуруҳ объектларни кўриб чиқамиз: етказиб берувчи (таъминловчи) корхоналар ишлаб чиқарадиган товарлар рўйхати ва истеъмолчилар буюртма қилган товарлар рўйхати. Бу маълумотларни ўз ичига олган жадваллар орасида кўп-кўпга муносабат мавжуд, чунки ҳар қайси етказиб берилаётган маҳсулотга биттадан ортиқ буюртма бўлиши мумкин. Ҳудди шундай, ҳар қайси буюртма қилинган маҳсулот биттадан ортиқ корхона томонидан ишлаб чиқарилиши мумкин.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 9

МАВЗУ: Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (МББТ) ҳақида асосий тушунчалар

Ишнинг мақсади: Маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (МББТ) ҳақида асосий тушунчаларга эга бўлиш.

Ишнинг мазмуни:

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Маълумотлар базасининг асосини унда сақланувчи маълумотлар тишқил қилади ва улар объектлар орқали бошқарилади. Объектларнинг асосий турлари қуйидагилар:

«**Жадваллар**» – маълумотларни сақлаш учун хизмат қилади;

«**Талаблар**» – маълумотларни танлаш шартларини беришни уларга ўзгаришлар киритиш учун хизмат қилади;

«**Формалар**» – маълумотларни кўриш ва таҳрирлаш учун хизмат қилади;

«**Саҳифалар**» – HTML (гиперматн) форматидаги файллар, улар Access маълумотларини Internet Explorer браузерлари ёрдамида кўриш учун ишлатилади;

«**Хисоботлар**» – маълумотларни умумлаштириш ва чоп қилиш имконини беради;


«**Макрослар**» – бир ёки бир қанча операцияларини автоматик равишда бажаради.

Access маълумотлар базасини бошқариш тизимига (МББТ) киритилган ҳар қандай маълумот жадвалларда сақланади. Жадвалларнинг қаторлари **ёзувлар** деб, устунлари эса **майдонлар** деб аталади.

Сўровлар жадваллардан маълумотларни бир ёки бир неча критерийлар (кўрсаткичлар) асосида танлаб олиш учун ишлатилади. Жадваллар сони ҳам бир ёки бир неча бўлиши мумкин.

Access МББТни ҳам барча дастурлар каби иш столининг «**ПУСК**» тугмаси ёрдамида ишга тушириш мумкин.

Бу дастур ишга тушганидан сўнг экранда ҳосил бўлган ойнада маълумотлар базасини яратиш ёки мавжуд базани ишга тушириш имконини танлаш мумкин (4-расм).



9.1-расм. Microsoft Access МББТнинг асосий ойнаси.

Ушбу ойнадаги кўпгина тугмачалар ўзини кўриниши ва моҳияти жиҳатидан матн муҳаррири **Word** ва жадвал процессори **Excel**нинг тугмачаларига ўхшаб кетади. Ҳақиқатдан ҳам улар худди Сиз ўйлагандек ишларни ва функцияларни бажариш имконини беради. Масалан, файлни очиш, матнни чоп қилиш, орфографияни текшириш, қайчи ва ҳоказолар. Бошқа тугмачалар эса маълумотлар базасини тузиш ва унда ишлаш бўйича махсус аниқланилган масалаларни ечиш учун хизмат қилади.

ACCESS МББТда маълумотларни стандарт усул билан олиш имконияти амалга оширилган. Ушбу имконият мос драйверлар орқали хилма хил форматлардаги ахборот массивлари билан ишлайдиган маълумот базалари билан иш олиб боришга қулай шароитлар яратади.

ACCESS МББТ бир-бири боғлиқ бир қанча жадваллардан иборат бўлиб (реляцион жадваллар), уларда қандайдир турдаги, форматдаги ва кўринишдаги маълумотлар мажмуаси сақланади. Унда ҳар бир маълумот базасининг ҳамма объекти ва элементларини ўз ичига олади. Масаланинг бундай қўйилиши объектларни сақлаш, нусхалаш, йўқотиш ва бошқа операцияларнинг амалга оширилишини анча осонлаштиради.


Жадвалнинг ҳар бир майдони учун сиз мумкин бўлган бирор-бир маълумотлар турини танлаб олишингиз керак. Ҳар бир майдонда фақатгина бир хил турдаги маълумотларгина сақланиши мумкин.

ACCESS МББТдаги ҳамма амаллар жуда оддий ҳолда сичқонча туридаги манипулятор орқали осонгина бажарилади. Сичқонча билан бирор бир майдонни боссангиз, унинг ўнг чеккасида рўйхатни очишга имкон берадиган тугмача ҳосил бўлади. Уни босиш билан рўйхатдан керакли имкониятини танлаб олиш мумкин.

Агарда жадвални ўзингиз тузишга қийналсангиз, бу ишда Сизга «**Мастерлар**» ёрдамга келади. Булар тегишли ишлар кетма кетлигини осонгина амалга оширишга ёрдам беради.

Маълумотлар базасини яратишнинг икки йўли: **оддий йўл** ва **база қуриш Мастер** ёрдамида амалга ошириш мумкин. Оддий йўлни танлаш учун «**Новая база данных**» пункти танланади. Уста ёрдами эса “Запуск мастера” пункти орқали амалга оширилади. Мавжуд маълумотлар базасини очиш учун «**Открыть базу данных**» пункти танланади ва **ОК** тугмачаси босилади

Маълумотлар базасини яратишнинг оддий йўлидан борамиз. Бунда биз юқоридаги ойнадан «**Новая база данных**» бўлимини танлаймиз. Шу ҳолда қуйида келтирилган сўров-диалог ойнаси ҳосил бўлади.



9.2-расм. Microsoft Access МББТда базанинг сўров ойнаси.7

Биз энг аввало базанинг асоси бўлган жадвални яратишимиз зарур. Шунинг учун **Таблицы** имкониятини танлаймиз. Бунда жадвални яратишнинг учта йўли таклиф этилади: конструктор ёрдами билан жадвал ташкил этиш (создание таблицы в режиме конструктора), жадвал Устаси ёрдами билан жадвал яратиш ва ниҳоят маълумотларни киритиш йўли билан ҳосил қилинадиган оддий жадвал тузиш тартиби майдонлари номи пробелларни ҳам ҳисобга олган ҳолда 64 символдан иборат бўлиши мумкин.

Жадвалнинг майдонларини аниқлаш учун:

- **«Имя поля»** устунининг биринчи қаторига биринчи майдоннинг номини киритинг: **«Ўқитувчи коди»**;
- **«Тип данных»** устунининг қаторида уни сичқонча кўрсаткичи билан туртганда ҳосил бўладиган пастки томонга йўналган стрелкачали тугмачани туртганда очиладиган рўйхатдан маълумотларнинг **«Счетчик»** деб номланган майдон кўрсаткичларини дастур таклиф қилган кўринишда қолдирганингиз маъкул.
- худди шундай тартибда юқорида кўрсатилган жадвалдан фойдаланган ҳолда унинг барча майдонларини маълумотлар базасига киритинг.

Ушбу конструктор дарчасининг **«Описание»** деб номланган устуни қатор-ларига маълумот киритиш шарт эмас, чунки у майдон ҳақидаги қўшимча маълумотларни киритиш учун хизмат қилади.

Ҳосил қилинган жадвални сақлаш учун:

- **«Файл»** менюсидан **«Сохранить»** пунктини танланг;
- **«Сохранение»** деб номланган мулоқот ойнасида жадвалнинг номини киритинг;
- **«Ўқитувчилар»**;
- ундан сўнг **«ОК»** тугмачасини босинг.

«ОК» тугмачаси босилганда ACCESS МББТ Сизга калит майдонни аниқлашни талаб қилиши мумкин. Бу майдон дастур томонидан автоматик равишда жадвалнинг ҳар бир ёзувини аниқ ифодалашга имкон беради. Кўп жадваллардан иборат бўлган маълумотлар базалари учун бу катта аҳамиятга эга бўлади.

Жадвалнинг **«Конструктор»** режимидаги дарчасининг пастки қисмидаги **«Общие»** тугмачаси босилганида киритилган майдоннинг бир қанча кўрсаткичлари экранда намоён бўлади.

Масалан ACCESS МББТ матнли маълумотлар учун 50 символли катталикини таклиф қилади. Лекин **«Фамилия»**, **«Исми»**, **«Отасининг исми»** ва шу каби майдонлар катталиги 15 символдан катта бўлиши мумкин эмас. Агарда уларнинг бундан каттаси учраб қолса, кейинчалик осонлик билан ўзгартириш мумкин.

Энди иккинчи усулда, яъни **«Жадвал»** устаси ёрдамида жадвал қуриш усулини ҳам кўриб чиқамиз. Бу усулда жадвал қуриш олдиндан маълум бўлган бир неча турдаги жадваллар намуналарига асосан яратилаётган жадвал кўрсаткичларини танлаш йўли билан амалга ошади. Бунинг учун (**«Создать – Мастер таблиц»**) тугмачасини бир марта босиш ёки Мастер ёрдамида жадвал ҳосил қилиш (**«Создание таблицы с помощью мастера»**) ёзувини икки марта босиш лозим бўлади. Бунда экранда қуйидаги ойна ҳосил бўлади.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство "Питер", 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: "Диалектика", 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 10

МАНЗУ: Мультимедия технологиялари имкониятларидан фойдаланиш.

Ишнинг мақсади: Мультимедия технологиялари имкониятларидан фойдаланишни ўрганиш ва амалда билмларни мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Мультимедиа-технологиялари
2. Мультимедиа аппарат воситалари ва уларга булган талаблар
3. Мультимедиа дастурий воситалари ва уларга булган талаблар
4. Компрессион менеджерлар
5. Мультимедиа тизимларининг асосий тушунчалари

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Мультимедиа-технологиялари информатиканинг долзарб ўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мультимедиа-технологияларининг асосий мақсади – товуш, видео, анимация ва бошқа визуал эффектлар билан таъминланган дастурий маҳсулотларни яратишдан иборатдир. 1945 йилда америкалик олим Ваннивер Буш "MEMEX" номли хотирани ташкил қилиш гоясини таклиф қилган, бу эса мультимедиа технологияларини ривожланишининг ғоявий сабаби бўлди. "MEMEX" номли хотиранинг асосий гояси шундан иборатки, ахборот белгилар, номерлар, индекслар ёки алфавит тартиби бўйича эмас, балки мазмунига қараб қидирилади. "MEMEX" номли хотиранинг асосида гиперматн ва гипермедиа тизимлари яратилган. **Гиперматн** деганда бу матнли маълумотлар билан ишлаш тизими деб тушунилади. **Гипермедиа** тизими - бу графика, товуш, видео ва анимация билан биргаликда ишлаш системаси деб ҳисобланади. Гиперматн ва гипермедиа тизимларининг биргаликдаги ривожланиши мультимедиа йўналишининг келиб чиқишига олиб келди.

80 – йиллар охирида америкалик компьютер мутахассиси Билл Гейтснинг "National Art Gallery of London"- «Лондоннинг миллий санъат галереяси» номли дастурий маҳсулотини биринчи бўлиб яратган. Бу мультимедиа дастури яратишда турли муҳитлардан – тасвир, товуш, анимация, гиперматн ва гипермедиа тизимларидан фойдаланилган.

Мультимедиа технологияларининг асосий афзалликлари ва хусусиятларига қуйидагилар тегишли:

- битта ахборот ташувчисиди катта ҳажмли турли маълумотларни сақлаш имконияти (20 та томга яқин матнлар, 2000 ва ундан ҳам кўп юқори сифатли тасвирлар, 30 – 45 минутли видеоёзувлар, 7 соатга тенг товуш маълумотлари);
- экранда тасвирни ёки унинг айрим фрагментларини катталаштириш имконияти. ("лупа" режими). Тасвирни сифатини сақлаб қолган ҳолда 20 маротабагача катталаштириш мумкин. Бу имкониятдан тарихий ҳужжатлар ва санъат асарларини презентация қилганда фойдаланиш мумкин;
- тасвирларни таққослаш ва турли дастурий воситалар ёрдамида уларни қайта ишлаш;
- матнлар ёки турли кўргазмали материалларда керакли жойларни белгилаш ва улар ёрдамида бошқа тушунтирувчи маълумотга эга бўлиш (гипермедиа ва гиперматн технологияси);

Internet глобал тармоғига уланиш имконияти;

Мультимедиа аппарат воситалари ва уларга бўлган талаблар

Мультимедиа — бу компьютер технологияларининг соҳаси. У турли (матн, графика, расм, товуш, анимация, видео) кўринишдаги ахборот билан боғлиқ. Бунда маълумот турли ахборот ташувчиларида мавжуд бўлиши мумкин (магнит ва оптик дисклар).

(multi – куп, media — муҳит деб таржима қилинади) Мультимедиа воситалари аппарат ва дастурий воситаларга бўлинади.

Мультимедиа аппарат воситаларига қуйидагилар тегишли:

-аудио (нутқли) ва видеокиритиш ва ахборотни чиқариш қурилмалари;

- юқорисифатли товуш ва видео платалар;
- видеомагнитофон ёки видеокамерадан тасвирни ўқийдиган ва ўша маълумотларни компьютерга киритадиган платалар яъни видеограбберлар
- юқорисифатли акустик ва тасвирни қайта тиклайдиган тизимлар. Бу тизимлар усилитель, товушли колонкалар, катта ҳажмли видеоэкранлар билан таъминланган бўлади;
- сканерлар (чунки улар автоматик равишда компьютерга печатланган матн ва расмларни киритиш имконига эга;
- юқорисифатли принтер ва плоттерлар.
- Проекторлар
- Интерактив доскалар
- Катта ҳажмга эга бўлган оптик ва рақамли видеодисклар

Microsoft фирмаси биринчи булиб «Red Book» номли стандартини яратди. Кейинчалик шу стандарт асосида мультимедиага мулжалланган компьютерлар ярата бошланди. Мультимедиага мўлжалланган компьютер албатта иккита имкониятга эга бўлиши шарт: CD-ROM дисководига аудиоинформацияни ёзиш имконияти, аудиоадаптер ёрдамида ахборотни киритиш ва чиқариш.

Мультимедиа дастурий воситалари ва уларга бўлган талаблар

Мультимедиа дастурий воситалари 2 та гуруҳга бўлинади:

- мультимедиа амалий дастурлар пакетлари (мультимедиа-энциклопедиялари, компьютер уйинлари, аудио ва видеоплейерлар)

-махсулаштирилган дастурий воситалар – буларга профессионал график муҳаррирлар, 3D графика муҳаррирлари, товуш муҳаррирлари тегишли.

Юқорида курсатилган аппарат воситалари билан ишлашни таъминлаш учун, талабларга мос келадиган операцион тизим булиши шарт. Мультимедиага мўлжалланган компьютерда ишлаш учун қуйидаги операцион тизимлардан фойдаланилади: ОС Microsoft Windows 98 ёки Windows Millennium. Мультимедиага мўлжалланган компьютернинг операцион тизими қуйидаги дастурий воситаларга эга булиши керак:

MCI-Media Control Interface-турли қурилмаларни ишини бошқарадиган датур. PLAY, PAUSE, STOP буйруқлари мультимедиа қурилмаларида амалга оширилиши учун ишлатилади.

Компрессион менеджерлар. Графика, анимация, товуш катта ҳажм талаб қилади. Шунинг учун ахборот сиқиштирилган форматда (яъни компрессия қилинишида сакланади). Шу сабабли ахборот қайта тикланишидан олдин, декомпрессия ҳолатидан утиши керак. Мана вазифани компрессион менеджерлар бажаради.

Windows 98 ОС-и иккита компрессион менеджерлар туридаги дастурлардан иборат:

-ACM (Audio Compression Manager)-товушли ахборотни компрессия ва декомпрессия қилиш учун аудиокодеклардан фойдаланади.

-VCM (Video Compression Manager)-таъсирли ахборотни компрессия, декомпрессия ва филтрация қилиш вазифаларини бажаради.

Кодеклар – Windows таркибида 2 турдаги кодеклар мавжуд. 1-музыкали кодеклар (IMA ADPCM ва Microsoft ADPCM), бу дастурлар музыкали ахборотни 4 барабар сиқиштиришга қодир. 2-товушли кодеклар (TrueSpeech ёки GSM)

Сифати паст товушли ахборотни компрессиялаш учун ишлатилади. Энг машҳур кодек – MPEG-1 Layer 3 ҳисобланади. Бунда товуш 10 барабар қисқартирилади.

MPEG-1 кодеки VideoCD форматида, MPEG-2 эса DVD форматида ёзиш учун ишлатилади.

DCI-Display Control Interface – дисплей драйверларини бошқариш учун ишлатилади.

Мультимедиа тизимларининг асосий тушунчалари

Виртуал борлик *тушунчасини* Jaron Lanier (Ланье) таъриф этган. Виртуал борлик иммерсивлик ва интерфаоллик тушунчалари билан боғлиқ.

Иммерсивлик деганда одамнинг виртуал борликда ўзини фараз қилишини тушуниш лозим.

Интерфаоллик фойдаланувчи реал вақтда виртуал борликдаги объектлар билан ўзаро мулоқотда бўлиб уларга таъсир кўрсатишга эга бўлади.

Виртуал борлик тизими да қуйидаги экзотик қурилмалар ишлатилади: виртуал қулоқлар, кибернетик жилетлар, махсус очкилар, шлемлар ва ҳоказо.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.

2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нейматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 11

МАНЗУР: Gif-аниматор, Ispring дастурларининг имкониятлари

Ишнинг мақсади: Gif-аниматор, Ispring дастурларининг имкониятларини қўллашни ўрганиш ва билмларни амалда қўллаш.

Ишнинг мазмуни:

4. Gif-аниматор дастурларининг имкониятлари
5. Ispring дастурларининг имкониятлари

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, таркатма материаллар.


УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Animatsion fayllar yaratish uchun bizga quyidagi dasturlar kerak bo'ladi. Adobe Photoshop, Adobe Image Ready


1. Dasturni ishga tushiramiz va avtomobil rasmini ochamiz.
2. Endi ana shu background layerimizni nusxalaymiz. (Ctrl+J)



3. Moshinamiz o'ng va chap faralariga ketma-ket ravishda **lens flare** qo'shamiz.
Filter > Render > Lens flare




4. Image Readyga o'tamiz. **Ctrl+Shift+M**. Layer1 dagi ko'zchani olib tashlaymiz.



5. Background layerni tanlab, **Animation** oynasiga tushamiz va **Duplicate current frame** tugmasini bosamiz.



6. Layer 1 ga o'tamiz va undagi ko'zchani o'z o'rniga keltiramiz va **Animation** oynasiga tushib, **Duplicate current frames** tugmasini bosamiz. Layer1 dagi ko'zchani olib tashlaymiz va Background layerni tanlab, **Animation** oynasiga tushamiz va **Duplicate current frame** tugmasini bosamiz va layer1dagi ko'zchani o'z joyiga qo'yamiz. **Animation** oynasiga tushib xuddi quyidagi rasmda ko'rsatilganidek animatsiyamiz davomiyligini belgilaymiz



7.File > Save optimized as.gif formatda saqlaymiz



Мультимедиаи электрон ўқув курсларни яратиш имкониятини берувчи педагогик дастурий воситалар ичида юқори рейтингга эга бўлган iSpring дастури ҳақида тўхталиб утамыз. iSpring Free дастури .PPT, .PPTX, .PPS, .PPSX форматдаги файлларни Flash (.SWF) ва HTML5 форматига конвертациялаш имкониятини берадиган муаллифлик дастури ҳисобланади. Дастур орқали фойдаланувчилар Flash-роликлар ва YouTube-видео ресурсларни PowerPoint тақдимот слайдларига жойлаштиришлари мумкин. Хусусан:

Яратиладиган электрон ўқув контентларни SCORM ва TinCan тизимларга ўтказиш имкониятини беради, бу эса ихтиёрий LMS (Learning management system) билан интеграциялаштириш мумкин дегани.

PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳажмини 97% гача сиқиш имконияти мавжуд.

PowerPoint дастурида яратилган тақдимот файлининг ҳимояланишини таъминлайди iSpring Free дастури мутлоқ текин ҳисобланади. iSpring Free дастуридан ташқари имконияти кўпроқ бўлган iSpring Suite дастури ҳам мавжуд бўлиб, бу дастур орқали юқори даражада сифатли электрон ўқув контентни яратиш мумкин. iSpring Suite асбоб ускуналари орқали (QuizMaker, iSpring Visuals, iSpring DialogTrainer) электрон дарсликлар, видеоматризалар, QuizMaker орқали электрон назорат тестлари, сўровномалар, iSpring DialogTrainer -тармоқланган диалогли электрон курсларни ва онлайн-презентацияларни яратиш мумкин.

iSpring Suite дастури орқали яратилган видеоматриза Яратилаётган электрон курсга аудио ва видео файлларни қўшиш, аудио ва видеоларни ёзиш, тақдимот слайдлари билан синхронизациялаш, электрон курснинг ҳар хил плеерларини танлаш, таҳрирлаш, SCORM ва TinCan стандартларида чоп этиш, .mp4 видеоформатида экспорт қилиш имкониятларини беради.

iSpring Suite дастури орқали яратилган электрон назорат тестлари Шу билан бир қаторда iSpring Visuals орқали 3D китоблар, вақт шкаласи, глоссарийлар яратиш имконияти ҳам мавжуд.

iSpring Visuals орқали 3D китоб

iSpring дастури орқали яратилган курсларни LMS лар билан интеграциялаш имконияти мавжуд.

SCORM пакетлари. SCORM (англ. Sharable Content Object Reference Model биргаликда фойдаланиш учун объект таркибидаги намунали модел).

Бу ўқув материаллари орқали билим олувчининг ўрганилаётган ўқув контент устида бажарадиган ҳаракатларини ўқитишни бошқарувчи тизим (LMS, бизнинг мисолимизда Moodle) га ҳисобот кўринишда юбориб туради. Масалан билим олувчи

контентда мавжуд бўлган слайд(бет)ларнинг ҳаммаси билан танишган ёки танишмаганлиги, ҳар бир слайд(бет)ни талаба қанча вақт давомида ўрганганлигини, бу стандартда (яъний SCORM ёки AICC) яратилган ўқув контентни бошқа LMS тизимига экспорт қилиш имконияти ҳам мавжуд.

Кенгайтирилган iSpring Suite 7 пакети ўзида қуйидаги имкониятларни жамлаган: – PowerPoint муҳитида ўқув курслари ва Flash-тақдимотларни яратиш (iSpring Pro); – интерактив тестлар, сўровномалар ва анкеталарни ишлаб чиқиш (iSpring QuizMaker); – электрон курсларни иллюстратив имкониятларини ошириш учун интерактив элементларни яратиш (iSpring Kinetics)

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нейматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 12

МАВЗУ: MS Power Point тақдимот дастури. Матн киритиш, расм ва диаграмма ўрнатиш

Ишнинг мақсади: MS Power Point тақдимот дастури. Матн киритиш, расм ва диаграмма ўрнатиш

Ишнинг мазмуни:

1. MS Power Point тақдимот дастури.
2. MS Power Point дастурида матн киритиш.
3. MS Power Point дастурида расм ва диаграмма ўрнатиш.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

POWERPOINT презентацион (такдимот) графикли дастурлар қаторига киради. Бундай дастурлар ўзида матнлар, расмлар, схемалар, графиклар, анимация эффектлари, овоз видеоклиплар ва ҳ.к. лардан иборат бўлган слайдлар ҳосил қилиш имконини беради. Слайдлар кетма-кетлигидан ҳосил бўлган презентацияни (такдимотни) компьютер экранида, видеомониторлар ва катта экранларда намоиш қилиш мумкин. Бу дастур билан ишлашдан аввал презентация, слайд, анимация тушунчаларига изох берайлик.

ПРЕЗЕНТАЦИЯ - бу слайдлар ва махсус эффектлар тўплами бўлиб, тайёр материал, доклад ёки конспект шаклида битта файлда сақланади ва уни экранда намоиш қилинади.

СЛАЙД - бу презентациянинг алоҳида кадри бўлиб, ичига матн ва сарлавҳаларни, график ва диаграммаларни олиши мумкин.

АНИМАЦИЯ - бу слайдларни намоиш қилиш ва кўрсатишда уларни самарадорлигини оширувчи товуш, ранг, матн ва ҳаракатланувчи эффектлар йиғиндисидан иборат.

Такдимот тузиш – слайдлардан иборат презентация яратиш уларни таҳрирлаш, кетма-кетлигини кўриш ва безагини беришдир.

POWERPOINT асосий менюси дарчани юқори қисмида жойлашган бўлиб у 10 та бўлимдан иборат: Файл, Главная, Вставка, Дизайн, Переходы, Анимация, Показ слайдов, Рецензирование, Вид ва Надстройка. Бу бўлимлар ёрдамида биз такдимот, слайд ва уларда жойлашган ҳар хил матн, расм ҳамда бошқа исталган объектлар устидан терли хил амалларни бажаришимиз мумкин. Энди бу бўлимлар билан яқинроқ танишайлик.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>

3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 13

МАВЗУ: Word Art билан ишлаш, эффектлар ўрнатиш слайдларни тартиблаштириш

Ишнинг мақсади: Word Art билан ишлаш, эффектлар ўрнатиш слайдларни тартиблаштириш

Ишнинг мазмуни:


1. Word Art билан ишлаш
2. Эффектлар ўрнатиш

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Word Art билан ишлаш шакл қойиш, белгиланган матнларни WordArt формати бўйича форматлаш мумкин. WordArтни ишга тушириш учун Вставка менюсидаги рисунок бўйруғидаги Word Art бўйруғини ишга тушириш керак ёки рисование панелидаги тугмаси босилади.

Word Art билан форматлаш учун Word Art ойнасидаги шаблонлар рўйхатидан керакли шаблон танлаб олиниб тугмаси босилади. Агар матн белгиланган бўлса, кейинги ойнада кўрсатилади, агар янги матн бўлса текст надписи сўзи чиқади. Шу сўзни ўчириб клавиатурадан янги матн ёзилади. Матн ўлчамини ёки шрифтини ўзгартириш мумкин. Сўнгра ОК тугмаси босилса янги матн ёки белгиланган матн танланган Word Art шрифти билан курсор турган жойга ёзилади. Белгиланган WordArt шрифтини матн ўлчамини ўзгартириш, бир жойдан иккинчи жойга суриш мумкин.



WordArt шифти билан яратилган матнни ҳажмли, сояли қилиш ёки рангини ўзгартириш учун, шу матнни белгилаб рисование панелидаги тугмалардан фойдаланиш мумкин. Матнга тайёр шакллар қойиш учун эса вставка менюсидаги рисунок бўғини бажариш ёки рисование панелидаги картинка тугмасини босиш керак. Керакли расм белгиланиб копировать ёки вкрезать тугмаси босилади ёки контекст менюсидаги вкрезать, копировать бўйруғи босилса белгиланган расмлар буферга олинади. Вставить

тугмаси босилса танланган буфердаги расм курсор турган жойига қўйилади. Расмнинг ўлчамини ўзгартириш, суриш, қирқиб олиш ёки нусха қўчириб олиш мумкин.

Ҳужжатга WordArt объектини қўйиш учун Вставка вкладкасининг WordArt элементи танланилади ва рўйхатдан керакли шакл танланилади. Ҳосил бўлган ёзувни ўчириб, керакли ёзув ёзилади.

Фигуралар чизиш ёки фигуралар ичига ёзув ёзиш учун Вставка вкладкасидан Надпись танланилади ва рамка чизилади ва ёзув ёзилади

Рамка ичидаги ёзувни ҳолатини ўзгартириш учун рамка ичида сичқонча босилади ва ҳосил бўлган формат вкладкасидан направление текста танланилади.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нейматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 14

МАВЗУ: Компютер графикаси. Power Point дастурида анимацияли слайдлар яратиш.

Ишнинг мақсади: Компютер графикаси. Power Point дастурида анимацияли слайдлар яратишни ўрганиш ва амалда билмларни мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Компютер графикаси.
2. Power Point дастурида анимацияли слайдлар яратиш.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

POWERPOINT асосий менюси дарчани юқори қисмида жойлашган бўлиб у 10 та бўлимдан иборат: Файл, Главная, Вставка, Дизайн, Переходы, Анимация, Показ слайдов, Рецензирование, Вид ва Надстройка. Бу бўлимлар ёрдамида биз тақдимот, слайд ва уларда жойлашган ҳар хил матн, расм ҳамда бошқа исталган объектлар устидан терли хил амалларни бажаришимиз мумкин. Энди бу бўлимлар билан яқинроқ танишайлик. 1. Файл менюсини танлаганда менюнинг “Последнее” банди актив ҳолда кўринади ва дастур ойнасида 3 та устун кўринишидаги таклифлар ҳосил бўлиб: биринчи устунда “Файл” менюси элементлари, иккинчи устунда сўнгги тақдимотлар ва учинчи устунда эса, сўнгги (охирги) сақланган каталоглар рўйхати таклиф этилади.

Сохранить - Экранда очик бўлган тақдимотни сақлаш Сохранить как... - Экранда очик бўлган тақдимотни янги ном остида сақлаб қўйиш ёки бошқа бир каталогга нухасин жойлаштириш.

Открыть... - Мавжуд бўлган (олдин яратилган) тақдимотни кўриш ёки ўзгартириш учун очиш

Закрыть - Экранда очик бўлган тақдимотни беркитиш.

Сведения - Экранда очик бўлган тақдимот ҳақидани маълумотлар

Последние - Сўнгги файллар рўйхати

Создать – янги тақдимот яратиш

Печать – тақдимотни чоп этиш

Сохранить и отправить – тақдимотни сақлаб электронно почта орқали жўнатиш.

Справка – дастур ҳақида маълумот

Параметры – дасур созуламалари

Выход – дастурдан чиқиш

2. Главная менюси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, у “Буфер обмена”, “Слайды”, “Шрифт”, “Абзац”, “Рисование” ва “Редактирование” каби бўлимлардан иборат бўлади.

3. Вставка менюси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, у “Таблицы”, “Изображения”, “Иллюстрации”, “Ссылки”, “Текст”, “Символы” ва “Мультимедиа” каби бўлимлардан иборат бўлади.

4. Дизайн менюси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, у “Параметры страниц”, “Темы” ва “Фон” каби бўлимлардан иборат бўлади.

5. Переходы менюси қуйидаги кўринишга эга бўлиб, у “Параметры страниц”, “Темы” ва “Фон” каби бўлимлардан иборат бўлади.

6. Анимация менюсида “Просмотр”, “Анимация”, “Расширенная анимация”, “Время показа слайдов” каби бўлимлар мавжуд

7. Показ слайдов менюси эса “Начать показ слайдов”, “Настройка” ва “Мониторы” каби бўлимлардан ташкил топган.

8. Рецензирование менюсида “Правописание”, “Язык”, “Примечания” ва “Сравнить” бўлимлари жойлашган.

9. Вид менюси ўз ичига “Режим просмотра презентации”, “Режими Образцов”, “Показать”, “Масштаб”, “Цвет или оттенки серого”, “Окно” ва “Макросы” каби бўлимларни ўз ичига олади.

10. Надстройки менюсида фойдаланувчи томонидан ўрнатилган қўшимча коопоненталар жойлашади.

Юқоридагилардан ташқари яна бир қўшимча меню мавжуд бўлиб у “Формат” деб аталади ва у слайтдаги бирор объектни танлаганда фаоллашади ва шу объектнинг

форматларини сошлаш учун ишлатиладиган бир қанча бўлимлардан ташкил топган ва бўлимлар қандай объект танланганлигига қараб турли кўринишда бўлади. Масалан, расм танланганда “Формат” менюси қуйидаги кўринишда бўлади:
Ёки фигура танланганда:

Жадвал танланганда эса бу меню икки қисмдан иборат бўлади: “Конструктор” ва “Макет”

Бу менюлардаги кенг қўлланиладиган буйруқ вазифаларини клавиатура орқали қўш тугмалар ёрдамида тезкор бажара оламиз. Қуйидаги рўйхатда MICROSOFT POWERPOINT дастурининг асосий тезкор тугмалар кўрсатилган:

CTRL+N - Янги тақдимот файлини яратиш.

CTRL+M - Тақдимотга янги бўш слайд қўшиш.

CTRL+D - Тақдимотга актив слайд нусхасини қўшиш.

CTRL+ENTER - Слайднинг кейинги элементини таҳрирлаш

CTRL+O - Илгари яратилган тақдимот файлини қайта очиш

CTRL+W - Экранда очиқ бўлган тақдимот файлини беркитиш

CTRL+P - Тақдимотни қоғозга босмага чиқариш

CTRL+S - Тақдимот файлини сақлаш.

F5 - Тақдимот намойишини ишга тушириш

ALT+F4 - Microsoft PowerPoint дастуридан чиқиб кетиш

CTRL+F - Матн қисмини қидириш

CTRL+H - Топилган матнни бошқа матн билан алмаштириш

CTRL+K - Гиперёўлланма қўшиш

F7 - Имло хатоларни текшириш

ESC - Охирги ўзгариш ёки тугалланмаган ҳаракатни бекор қилиш

CTRL+Z - Охирги ҳаракатни бекор қилиш

CTRL+Y - Бекор қилинган ҳаракатни қайтариш

CTRL+SHIFT+F - Слайднинг танланган объект ҳарфлар шаклини ўзгартириш

CTRL+SHIFT+P - Слайднинг танланган объект ҳарфлар катталигини ўзгартириш

CTRL+SHIFT+> - Слайднинг танланган объект ҳарфлар катталигини битта кадамга катталиштириш

CTRL+SHIFT+<- Слайднинг танлаган объект ҳарфлар катталигини битта кадамга камайтириш

CTRL+T - Слайднинг танлаган объект ҳарфлар ташқи кўринишини (Формат менюсидаги Шрифт бўйруғи) ўзгартириш.

SHIFT+F3 - Ҳарфлар регистрини ўзгартириш

CTRL+B - Қалин ҳарфлар режимига ўтиш

CTRL+U - Тагичизикли ҳарфлар режимига ўтиш

CTRL+I - Ётиқ ҳарфлар режимига ўтиш

CTRL+ПРОБЕЛ - Ҳарфлар ўзгартирилган ташқи кўринишини бекор қилиш

CTRL+SHIFT+C - Ҳарфлар ташқи кўринишини хотирага олиш

CTRL+SHIFT+V - Ҳарфлар ташқи кўринишини хотирадан чиқариш

CTRL+E - Абзацни ўртадан текислаш

CTRL+J - Абзацни иккала томондан бўйича текислаш

CTRL+L - Абзацни чап томон бўйича текислаш

CTRL+R - Абзацни ўнг томон бўйича текислаш

Анимацияни матн, расм, фигура (шакл), жадвал, SmartArt графиг элементлар ва PowerPoint нинг бошқа объектларига сахнага кириш, сахнадан сиқиш, ўлчамининг ёки рангининг ўзгариши ва кўчиши каби визуал эффектларни қўшиши учун қўлланилади.

Анимация тақдимотнинг муҳим жойлариша эътиборни жалб қилиш имконини беради, ахборот оқимини бошқаради ва аудитория қизткишини оширади. Анимациялар алоҳида слайддаги матн ёки объектларга, слайдлар намунасидаги матн ва объектларга ёки фойдаланувчи томонидан киритилган макетларга қўлланилиши мумкин.

PowerPoint 2010 дастурида тўрт турдаги анимация эффектлари мавжуд: Кириш эффекти. Объектлар экранга аста – секин пайдо бўлади, слайдга ён томондан “учади” ёки экранга тўсатдан паёдо бўлади.

Чиқиш эффекти. Бу турдаги эффектларни қўлаганда объектлар слайддан “учиб чиқиши”, йўқ бўлиши ёки бурама чизик бўйлаб ҳаракатланиб, слайддан ғойиб бўлиши мумкин.

Ажралиб чиқиш эффекти. Бу эффектда объект ўлчами катталаниши ёки кичклашиши, ранги ўзгариши ёки объект ўз маркази доирасида айланиши мумкин.

Кўчиш йўли. Бу эффектдан объектни тепага, пастга, чапга ёки ўнгга кўчиришда, ёки доира ва юлдуз кўринишидаги траектория бўйича ҳаракатлантиришда фойдаланиш мумкин.

Исталган эффектни алоҳида ёкм бошқа эффектлар билан биргаликда ишлатиш мумкин. Масалан, киришдаги “Учиш” эффекти ва ажралишдаги “Ўлчам ўзгариши” ни қўшиб, матн сатрини экранга чап томондан кириб келиши билан биргаликда ўлчамининг катталанишига ҳам эришишимиз мумкин

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нетьматов А., Эшдавлетов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>

4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 15

МАВЗУ: PowerPoint дастурида слайдлар яратиш ва унга расм ва бошқа объектларни қўйиш.

Ишнинг мақсади: PowerPoint дастурида слайдлар яратиш ва унга расм ва бошқа объектларни қўйишни ўрганиш ва амалда билмларни ўқлаш.


Ишнинг мазмуни:

1. PowerPoint дастурида слайдлар яратиш.
2. PowerPoint дастурида расм ва бошқа объектларни қўйиш.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Пуск - Все программы - Microsoft Office - Microsoft Office PowerPoint бандларини танланг ва дастурни очинг.
2. Экрандаги «Заголовок слайда» сўзи устида сичқонча тугмасини бир марта босинг. Бунда «Заголовок слайда» сўзи экрандан ўчиб матн курсори пайдо бўлади.
3. Сарлавҳани клавиатура орқали киритинг.
4. Кейинги слайдни очиш учун менюдан «Вставка» - «Создать слайд» бандларини танланг. Кейинги слайдларнинг кўринишини ўзгартириш мумкин. Биринчи слайднинг кўриниши фақат сарлавҳа кўринишида эди.
5. 4-банд тўғри бажарилса, экраннинг ўнг томонида «Разметка слайда» ойначаси очилади. Агар бундай ойна очилмаса, менюдан Формат-Разметка слайда бандлари танланади. Бу ойнанинг



- «Другие макеты» бўлимидаги расми устида сичқончанинг чап тугмасини бир марта босинг. Бу слайдга сарлавҳа матн ва расм киритиш мумкин.
6. Сарлавҳа ва матн олдинги слайддагидек киритилади. Расм киритиш учун «Вставка картинки» белгиси устида сичқончанинг чап тугмасини икки марта босинг.
 7. Экранда очилган «Выберите рисунок» ойначасидан истаган расмни танланг ва шу расм устида сичқончанинг чап тугмасини икки марта босинг.
 8. Шу тарзда яна бир нечта слайдлар тайёрлашингиз мумкин.
 9. Барча слайдлар тайёр бўлгандан кейин файлни хотирага сақлаб қўйинг
 10. Менюдан «Файл» - «Сохранить как» бандларини танланг.
 11. Экранга очилган «Сохранение документа» ойнасининг «Имя файла» (Файл номи) бўлимига клавиатура орқали ўз исмингизни теринг ва ойнадаги «Сохранить» тугмасини босинг.
 12. Менюдан «Файл» - «Выход» бандини танланг ёки сарлавҳалар қаторининг ўнг томонида жойлашган x тугмасини босиш орқали матн муҳаррири ишини тугатинг.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нёъматов А., Эшдавлетов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 16

МАНВЗУ: Слайдларда фон ва анимация эффектларидан фойдаланиш

Ишнинг мақсади: Слайдларда фон ва анимация эффектларидан фойдаланишни ўрганиш ва билмларни амалда мустаҳкамлаш.

Ишнинг мазмуни: Слайдларда фон ва анимация эффектлар қўллаш кетма-кетлиги.

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Тайёрланган слайдларни қайтадан кўриб чиқиш учун клавиатурадаги Page Up, Page Down тугмаларини босинг.
2. Бу слайдларга фон (ранг) бериш учун менюдан «Формат»-«Оформление слайда» бандларини танланг.
3. Экраннинг ўнг томонида очилган «Дизайн слайда» ойнасининг «Доступны для использования» бўлимидан исталган слайд устига сичқонча курсорини олиб келинг. Слайднинг ўнг томонидаги линейка белгиси устида сичқончанинг чап тугмасини босинг.
4. Очилган менюдан «Применить к выделенным слайдам» бандини танланг.
5. Қолган слайдларга ҳам шу тарзда фон танланг.
6. Слайддаги ёзувларни ҳаракатга келтириш учун яна биринчи слайдга қайтинг.
7. Сарлавҳа устида сичқончанинг чап тугмасини бир марта босинг

8. «Дизайн слайда» ойнасининг «эффекты анимации» сўзлари устида яна сичқончанинг чап тугмасини босинг.
9. «Применить к выделенным слайдам» ойнасидаги рўйхатдан исталган бандни танланг ва сичқонча чап тугмасини босинг.
10. Ойна қуйидаги «Применить к образцу» тугмасини босинг
11. Шу тарзда қолган объектларни ҳам ҳаракатга келтиришингиз мумкин.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нейматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 17

МАВЗУ: Слайдларнинг алмашилиш вақтини ва овозни ўрнатиш

Ишнинг мақсади: Слайдларнинг алмашилиш вақтини ва овозни ўрнатишни ўрганиш ва амалда билмларни қўллаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Слайдларнинг алмашилиш вақтини ўрнатиш
2. Слайдларда овозни ўрнатиш

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Объектга анимация эффектини қўшиш учун қуйида кўрсатилган амалларни бажариш талаб этилади:

1. Анимация қўйилиши керак бўлган объектни танланади.

2. Анимация менюсидан Анимация бўлимидан танлаб, Дополнительно қисмидан керакли эффектни танлаймиз.

Агар кириш, чиқиш, ажралиш ёки кўчиш эффектлари кўринмаса, Дополнительные эффекты входа Дополнительные эффекты выделения Дополнительные эффекты выхода Другие пути перемещения бўлимларидан бирини танлаймиз. Объект ёки текстга анимация танлангандан сўнг слайдда анимацияланган элемент ёнида чоп этилмайдиган тег пайдо бўлади. Тег фақат оддий режимда Анимация менюси танланганда кўринади.

Бир объектга бир неча анимация эффектларини қўллаш. Битта объектга бир неча эффектни қўллаш учун қуйидаги амалларни бажариш керак:

1. Анимациф эффекти қўйилиши керак бўлган объект ёки текстни танлаймиз.
2. Анимации менюсидаги Расширенная анимация бўлимидан Добавить анимацию буйруғини танлаймиз.

Слайдда ишлатилган анимация эффектлари рўйхатини кўриш. Слайддаги барча анимация эффектларини области анимации буюруғи орқаги кўриш мумкин. Унда анимациялар ҳақидаги муҳим маълумотлар жойлашади, масалан, эффект тури, бир неча анимация эффектларининг бирбирига нисбатан ҳаракатланиш тартиби, эффект қўлланилган объектнинг номи ва эффект давомийлиги. Область анимации буйруғини танлаш учун Анимация менюсининг Расширенная анимация бўлимига киримиз.

Бу бўлимда:

1. Панелда эффектнинг намоиш этилиш тартиб номери кўрсатилади. Бу номер слайддадаги чоп этилмайдиган номер билан мос бўлади.
2. Вакт интервалида эффект давомийлиги кўрсатилади.
3. Эффект турининг белгиси кўрсатилади. Ушбу мисолда Чиқиш эффектни кўрсатилган.
4. Рўйхатдан элементни танлаб, утига сичқонча чап тугмасини икки марта (ёки Enter ни) бисиш орқали анимацияни таҳрирлаш ойнасини очишимиз мумкин.

Эффектлар Область анимации бўлимида слайдга қўшилган кетмакетлигида жойлашади. Анимация эффекти бишланиш вақтини кўрсатишнинг бир неча хил белгилари мавжуд:

С предыдущим (белги йўқ). Эффект олдинги эффект билан бирга ҳаракатланади. Бу параметр бир неча эффектларни бирлаштиради.

После предыдущего (соат белгиси). Бунда эффект олдинги эффект тугаши билан бошланади.

Анимация эффектини такшириш бир ёки бир неча эффектларни слайдга қўшгандан сўнг уларнинг тўғри ишлашини текшириш мумкин. Бунинг учун Анимация менюсидаги Просмотр бўлимидан Просмотр буйруғини танлаймиз.

Такимотлар яратишда кўпгина ҳолларда объектлардан нусха кўчиришга тўғри келади. Слайдлардаги объектларни нусхалаш учун «Ctrl» тугмасини босган ҳолда сичқонча кўрсаткичи билан объектни янги жойга кўчириш керак бўлади

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-

2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Нейматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>

ТАЖРИБА МАШҒУЛОТИ № 18

МАВЗУ: Слайдларга овоз ёзиш ва тақдимотни намойиш этиш

Ишнинг мақсади: Слайдларга овоз ёзиш ва тақдимотни намойиш этишни ўрганиш ва билмларни амалда қўллаш.

Ишнинг мазмуни:

1. Слайдларга овоз ёзиш
2. Слайдлар тақдимотни намойиш этиш

Асбоб-ускуналар: қоғоз, ручка, қалам, видеопроектор, интернет тармоғига уланган компьютер, дарслик, тарқатма материаллар.

УЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

1. Power Point дастурини ишга тушириш.

Пуск ► Программы ► Power Point

2. Power Point да ҳосил бўлган мулоқот дарчасидаги "Мастер авто содержания" пунктини танланг ва ОК тугмасини босинг.

3. Очилган янги "Мастер автосодержания" мулоқот ойнасида қуйидаги тугмаларни босиш талаб қилинади.

А. Начало гуруҳида Далее тугмасини босинг.

Б. «Вид личные» ни танланг. Шахсий асосий варақани танланг. Далее тугмасини босинг.

С. «Способ предъявления» гуруҳидан «Доклады, совещания, выдачи» пунктини танланг ва Далее тугмасини босинг.

Д. «Формат выдачи» гуруҳидан «Презентации на экране» ни танланг. «Будете ли печатать?» сўроғига йўқ жавобини беринг ва «Далее» тугмасини босинг.

Е. «Дополнения» гуруҳидан презентация мавзусини (мисол учун Солиева Л.Л. нинг шахсий варақаси) ва қўшимча маълумотларни (масалан, Миллий

Университетнинг талабаси) ни киритинг. «Далее» тугмасини босинг. Барча ишларни бажариб бўлганингиздан сўнг Готово тугмасини босинг.

4. Енди сиз ҳар бир слайдни яратишни ўрнатишга киришинг. Бунинг учун Слайд режимида ўтинг (слайдлар режими Power Point ойнаси чап бурчагининг паст қисмига жойлашган).

1-Слайд. Кириш ва презентация саҳифаларидаги маълумотлар тўғрисида қисқача умумий изоҳ беринг.

2-Слайд. Ўзингизнинг расмингизни киритинг ва ўзингиз ҳақида маълумотларни ёзинг.

3-Слайд. Ўз яшаш манзилингизни киритинг ва шу шаҳар ҳақида қисқа маълумотлар киритинг, шаҳарга мос расм киритинг.

4-Слайд. Ўзингизнинг сеvimли машғулотларингиз тўғрисида гапириб беринг ва шунга мос расмлардан бирини жойлаштиринг.

5. Слайдларни тартиблаш режимида ўтинг. Биринчи слайдга сичқонча кўрсаткичини келтириб босинг. «Сортировщик слайдов» (Слайдларни саралаш) ускуналар панелидан ҳар бир слайд учун эффектлар ва текстлар учун анимациялар танланг.

6. Слайдларни кўрсатиш режимида ўтинг ва презентацияни томоша қилинг.

7. Яратилган презентацияни «Шахсий варақа» номи билан сақлаб қўйинг.

Асосий адабиётлар

1. Katherine Murray. First look Microsoft Office 2010. Published by Microsoft Press. A Division of Microsoft Corporation One Microsoft Way Redmond. Washington 98052-6399 Copyright, 2010 by Microsoft Corporation Library of Congress Control Number: 2009940759.
2. Н. Собиров ва бошқалар. “Информацион технологиялар фанидан маърузалар тўплами” Т.: 2017 й.
3. Неъматов А., Эшдавлатов Б., Тангиров А., «Информатика ва ахборот технологиялари фанидан амалий ишларни олиб бориш учун қўлланма» Т. 2016 й.

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев З.С., Мирзаев С.С., Шодмонова Г., Шамсиддинов Н.В. Информатика ва ахборот технологиялари. Ўқув қўлланма, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона нашриёти, Т: 2012 й., 442 б.
2. Граский Ю.А., Гурская И.В., Photoshop CS6 Трюки и эффекты. Учебник. СПб: Издательство “Питер”, 2005
3. Келли Мэрдок, Autodesk 3ds Max 2013. Библия пользователя =Autodesk 3ds Max 2013 Bible. – М.: “Диалектика”, 2013. – 816 с. – ISBN 978-5-8459-1817-8.

Интернет сайтлари

1. <http://titli.uz>
2. <http://tuit.uz>
3. <http://modle.titli.uz:8080>
4. www.intuit.ru
5. www.Ziyonet.uz